## «КОММУНИСТ» ЖУРНАЛИНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ

КПСС Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Коммунист»нинг ўн тўртинчи сони босмадан чиқди.

Журнал «Социалистик мулкни асрайлик ва кўпайтирайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

М. С. Горбачевнинг Тюмень ва Целиноград партия-хўжалик активи кенгашларида, ишлаб чиқариш илғорлари билан КПСС Марказий Комитетида ўтказилган учрашувда, Франция телевидениеси орқали, Франция парламенти аъзолари билан учрашувда сўзлаган нутқлари эълон қилинган.

«Партия XXVII съезди олдидан» рубрикаси остида Москва шаҳар Ленин район партия комитети биринчи секретари В. Протопоповнинг «Фан-техника тараққиёти тўғрисида ғамхўрлик» мақоласи, «Ҳозирги қишлоқ меҳнати ва унинг проблемалари» сарлавҳали редакцион мақола, Н. Прошуниннинг «Танқид тўғрисида сўз», Ю. Конишчевнинг «Коллектив гарантиялайди» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналда Ю. Афанасьевнинг «Ўтмиш ва биз», В. Трубниковнинг «Коммунистлар учрашмоқдалар» сарлавҳали мақолалари, шунингдек танқидий-библиографик материаллар эълон қилинган.

(ТАСС).

# МУСОБАҚА ЖОНЛИ ВА САМАРАЛИ БЎЛСИН

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли 80-автокорхона коллективи ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври ичида пландан ташқари 50 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юкларини манзилга етказиб берди. Коллектив иккинчи квартал якунига кўра транспорт корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқди ва шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва комсомол комитетининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланди. Автокорхона коллективи республика социалистик мусобақасида ҳам мукофотли ўринларни эгаллаб бормоқда.

Шубҳасиз, эришилаётган бу ютуқларда комунистларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Партия ташкилоти ишлаб чиқаришга раҳбарликни янада такомиллаштириб бормоқда. Коммунистларнинг авангардлиги таъминланмоқда. Партия йиғилишлари кун тартибига энг муҳим масалалари қўйилмоқда. Докладлар тайёрлашда кўпчилик иштирок этаяпти. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси қатъий назорат остига олинмоқда.

Ўтган йили бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилиши қарорида автокорхонада социалистик мусобақа кенг қулоч ёзмаётганлиги, унинг форма ва методлари такомиллаштириб борилмаётганлиги айтилган эди. Партия ташкилоти, коммунистлар социалистик мусобақани кенг оммалаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширдилар. Шофёрлар, бригадалар, колонналар ўртасида мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Тез орада ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун кураш ҳаракати кучайиб кетди. Ҳозир 140 киши беш йиллик планни бажариб қўйди. 6 бригада эса беш йиллик планни стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги кунигача адо этди. Кўплаб илғорлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигигача якунловчи йил топшириқларини бажаришга интилмоқда. Корхонада 150

*Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар*

дан кўп коммунистик меҳнат зарбдори бор. 4 та бригада эса коммунистик меҳнат коллективи номи учун курашмоқда.

Автокорхонада «Йилнинг ва кварталнинг энг яхши бригадаси», «Энг яхши ҳайдовчиси», «Энг яхши ремонтчи» конкурслари ҳам ўтказиб турилади. Ҳайдовчилар ўртасида 300 минг километр йўлни капитал ремонтсиз босиб ўтиш ташаббуси кенг қулоч ёйган. Ана шу ҳаракатга биринчилар қаторида қўшилган Мирсоат Тожибоев айни пайтда 1986 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишламоқда. Жавдат Абдураҳмонов эса икки беш йилликни бир беш йилликда бажариш ташаббусига биринчилар қатори қўшилган эди. У ўн биринчи беш йиллик вазифаларини икки ярим йилда шараф билан адо этди. Ўн иккинчи беш йиллик топшириғини эса 7 ноябргача бажариш учун курашмоқда. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида эришилган муваффақиятлар қайд этилгани ҳолда асосий эътибор йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратилди. Докладчи партия бюросининг секретари А. Акбаров ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ўз фаолиятларига танқидий кўз билан баҳо бердилар.

— Коллектив ўртасида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди,— деди музокарада сўзга чиққан автослесарь В. Шенников.— Шу йилнинг ўтган даври ичида меҳнат интизомини бузиш туфайли 137 иш куни йўқотилди. Прогулчилар орасида коммунистлар ҳам бор. Партия ташкилоти меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан қатъий чоралар кўрмаяпти. «Бонг урамиз» варақалари чиқарилмайди, деворий газеталарда танқидий руҳ сезилмайди. Масалан, А. Тўйчиев, А. Фатаев, М. Воҳидов, К. Тоғаев, А .Юсупов, Ю. Азизов каби ҳайдовчилар ойлик топшириқларини бажаришмайди. Лекин ҳеч кимнинг улар билан иши йўқ.

Коммунист А. Тоиров ўз нутқида партия ташкилотининг ҳисобот докладида комсомолларга раҳбарлик масаласи етарлича ёритилмаганини танқид қилди.

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар кўпчилик эътиборини ичкиликбозликка қарши курашга қаратишди. Бир йил ичида 24 кишининг ишга ичиб келгани аниқланди. 8 шофер кайф билан рулни бошқараётганда қўлга тушди. Ана шу фактларнинг ўзи корхонада ишлаб чиқариш интизомининг бўшашиб кетганлигини, ичкиликбозликка қарши кураш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини кўрсатади. Янги сайланган партия бюроси ичкиликбозликка қарши кескин кураш олиб бориши лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан 2-автоколонна бошлиғи У. Ҳикматуллаев партия маорифи ўқувидаги камчиликлар устида тўхталди.

— Айрим коммунистлар машғулотларга актив қатнашмайдилар,— деди у,— лекин партия ташкилоти улар билан муроса қилмоқда.

Музокарада сўзга чиққан П. Худякова, Р. Раҳмедов, Л. Левчегова каби коммунистлар ҳам партия ташкилоти йиғилишларида раҳбар кадрлар ҳисоботларини тинглаб бориш, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга фақат «штатли» нотиқларни эмас, балки оддий коммунистларни кенгроқ жалб этиш лозимлигини уқтирдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида автокорхона партия бюросининг янги состави ва Олмалиқ шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

**О. ХУШНАЗАРОВ.**



● В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси Н. Сапаргалиев «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ўтаётган умумхалқ мусобақасида қатнашиб, доимо юқори меҳнат натижаларига эришмоқда. Унинг бирйўла икки станокка хизмат кўрсатаётганлиги ютуқлар омили бўлаяпти. Айни кунларда Н. Сапаргалиев шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш мажбурияти асосида самарали меҳнат қилиб келаётир. Суратда: Н. Сапаргалиев.

А. КАШАПОВ фотоси.

### ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТУРАР-ЖОЙ ФОНДИ ИСИТИШ СИСТЕМАЛАРИНИ СИНОВ ТАРИҚАСИДА ИШГА ТУШИРИШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ область ижроия комитети шаҳар ва район ижроия комитетлари, бошқарма ва бирлашмалар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига турар-жой, шифохона, мактаб, болалар боғчалари ҳамда бошқа социал-маиший объектларнинг иситиш системасини 1985 йил 25 октябрдан 31 октябргача синов тариқасида ишлатиб кўришни топширди.

Синов давомида қозонхоналар, иссиқлик тармоқлари ва иситиш системаларидаги мавжуд камчиликлар аниқланади ва уларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилади.

Тегишли ташкилотлар меҳнаткашларнинг иситиш системаларини бир маромда ишлатишга қаратилган талаб-истакларини ҳисобга олиш ва бажаришга даъват этилганлар.

*ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА*

## Меҳнатга коммунистик муносабат

Область касаба союзлари Совети секретариатида нефть ва газ саноати корхоналари коллективларида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, инженер-техник ходимларнинг шахсий ижодий планларни бажариш юзасидан мусобақаси қандай ташкил этилганлиги кўриб чиқилди.

Нефть ва газ саноати тармоғида 28 та бирлашма, трест, корхона бор. Уларнинг 19 тасида шахсий ижодий планлар ишлаб чиқилган. Инженер-техник ходимлар бу планларни бажаришда актив иштирок этмоқдалар. Ҳозир 6279 инженер-техник ходим ўз шахсий ижодий планига эга. Уларнинг 1449 нафари коммунистик меҳнат зарбдоридир. «Узбектрансгаз», «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Узэнергогаз» ихтисослашган бошқармаси, Ўрта Осиё газ илмий тадқиқот институти коллективлари меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Уларнинг аксариятида меҳнат қилаётган инженер-техник ходимлар ижодий бригадаларга аъзодирлар. Бу бригадалар илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича ташкил этилган мусобақада актив иштирок этмоқда. Мусобақа якунларига кўра ижодкор инженер ва техникларга энг яхши конструктор, лойиҳачи, технолог деган унвонлар берилаяпти.

«Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси ижодкорлари ўтган йили ва шу йилнинг саккиз ойи мобайнида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича 37 та муҳим тадбирни амалга оширдилар. Бундан 605,2 минг сўмлик иқтисодий самара олинди. «Узбекэнергогаз» ихтисослашган бошқармасида ташкил этилган 9 та ижодий бригада аъзолари ҳам янги техника ва технологияни жорий этиш юзасидан қимматли таклифлар киритмоқдалар. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида улар 12 та таклифни жорий этиб, халқ хўжалигига 100 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирдилар.

«Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса ижодий бригадалар сони 26 тага етган. Бу коллективларга 178 мутахассис бирлашган. Улар саккиз ойда 49 та таклифни жорий этиб 152,7 минг сўмлик самара олдилар.

Кейинги йилларда ижодкор техник ва инженерлар жамоатчилик кўригини ўтказиш яхши анъанага айланди. «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича ўтказилган кўрикда инженерлардан А. Г. Майчуров ва Н. С. Шаповалов энг юқори кўрсаткичга эришдилар ҳамда биринчи даражали соврин билан тақдирландилар.

Умуман нефть-газ саноати корхоналари рационализаторларидан бу йил 1800 та таклиф тушди. Уларнинг 1636 таси ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 1 миллион сўмликдан кўпроқ самара олинди.

Секретариат мажлисида эришилган ютуқлар таъкидлангани ҳолда ижодий бригадалар ташаббускорлигини ўстириш, инженер-техник ходимлар активлигини ошириш, тушган таклифларни ўз вақтида жорий этиш юзасидан муҳим тавсиялар ҳам берилди. «Ташоблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасида илмий-техника тараққиёти бўйича мажбуриятлар хўжакўрсин учун қабул қилинади. Ижодкорлар мусобақасига ўз вақтида якун чиқарилмайди. Мукофотлаш пайтида ишнинг пировард натижаси алоҳида ҳисобга олинмайди. Ўрта Осиё газ илмий-тадқиқот институтида эса меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг қулоч ёймаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган 406 илмий ходимдан фақат 46 нафари бу ҳаракатда иштирок этаяпти холос. Инженер-техник ходимлар ижодий активлигини янада ошириш, коммунистик меҳнат ҳаракатини кенгайтириш шу куннинг талабидир.

## ЁТОҚХОНАЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНДА

Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига қарашли ётоқхоналарда ҳозир 5 мингдан ортиқ ишчилар истиқомат қилмоқдалар. Кўпгина ётоқхоналар типовой лойиҳалар асосида қурилган бўлиб, обод ва кўркамдир. Ёшларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси муттасил ортиб бораяпти. Ётоқхона қизил бурчакларида ва спорт залларида қизиқарли мусобақалар, мунозаралар ўтказилмоқда.

Кейинги пайтларда кўпгина ётоқхоналарнинг санитария ҳолати яхшиланди, хоналар капитал ремонтдан чиқарилди. Сантехника узеллари, электр симлари янгиланди. Мебеллар ва бошқа хил жиҳозлар сотиб олинди.

Область касаба союзлари Совети президиуми мажлисида трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига қарашли ётоқхоналарда ишчилар турмуш шароитини янада яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳам тавсия этилди. Тошкент трактор, «Узбексельмаш», «Агрегат» заводлари, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли айрим ётоқхоналардан ҳамон қониқарсиз фойдаланилмоқда. Ишчиларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат талаб даражасида эмас. Кўпгина корхоналарда кечки мактабларда ўқувчи ёшлар учун дарсхоналар ташкил қилинмаган. Қизил бурчаклар кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозланмаган.

Тошкент трактор заводига қарашли 6 та ётоқхонадан атиги биттасида маиший хизмат йўлга қўйилган. 1-, 2-, 4-ётоқхоналарда умумий овқатланиш ташкил этилмаган. «Ташсельмаш» заводи ётоқхоналари эса ремонтга муҳтож. Хоналарда зарур жиҳозлар етишмайди. Кўпгина ётоқхоналарда спорт билан шуғулланиш имконияти яратилмаган.

Ётоқхоналардаги мавжуд камчиликлар автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишчилари касаба союзи область комитети раиси Л. Завьялов ва секретарь Д. Шариповга, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Мўминовга кўрсатилди. Ётоқхоналар иши устидан назоратни кучайтириш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўриш улардан талаб этилди.

# СЎНГГИ МУҲЛАТ ҚАЧОНГАЧА?

**74-МПМК РАҲБАРЛАРИ ЯНГИЙЎЛ РАЙОН «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИДАГИ УСТАХОНА ҚУРИЛИШИНИ БЕШ ЙИЛДАН БЕРИ ЧЎЗИБ КЕЛМОҚДАЛАР**

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг механиги Худойберди Саиджабборов осмонга булут чиқса юрагини ҳовучлайдиган бўлиб қолган. Тунов куни ёмғир сал шивалаб ўтганда колхоз ремонт-механика устахонасига кирза этиксиз кириб бўлмади. Агар ростмана ёғингарчиликлар бошланиб кетса бор-ми, иссиқлик трассаси ўтказиш учун қазилган ҳандақлардан чиққан, ҳамма ёқда уйилиб ётган тупроқ ўтиб бўлмайдиган балчиққа айланиши турган гап.

Аслида эса иссиқлик трассаси август ойининг охирида фойдаланишга топширилиши керак эди. Ҳар ҳолда бош пудратчи — 74-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг раҳбарлари шундай деб « қатъий» ваъда беришган, бажариладиган ишлар графигига имзо чеккан эдилар. Лекин колхоздагилар уларнинг бундай ёлғон ваъдаларини беш йилдан бери эшитиб келишади.

Хўжаликда ремонт-механика устахонаси қурилиши 1977 йилда бошланган эди. Ўшанда устахонани 1980 йилда фойдаланишга топшириш мўлжаллanganди. Лекин у 1981, 1982 йилда ҳам битмади. Колонна раҳбарлари 1983 йилда техника воситалари сақланадиган бостирмалари бўлган бу устахонани албатта қуриб биткамиз, деб ишонтиришди. Шундан кейин қурилиши чала бўлган устахонага тракторлар, комбайнлар, турли қишлоқ хўжалик машиналари олиб кирилди.

Ҳозир колонна раҳбарлари колхоздагиларни «Нима учун битмаган устахонага техникани олиб кирдинглар», деб айблашади. Ваҳоланки, хўжалик механизаторларининг бошқа иложлари қолмаган эди. Колхознинг эски машина-трактор парки нураб кетганлиги, баъзи деворлари қулаб тушганлиги учун бу ерда техникани сақлаш хавфли бўлиб қолганди. Механизаторлар қурувчилар шунча йил давомида судраб келган устахонани ниҳоят қўлдан чиқаришади, деб умид қилишганди.

Аммо уларнинг умидлари пуч бўлиб чиқди. Ҳозир колхознинг қурилаётган ремонт-механика устахонасига кирсангиз аянчли манзарага дуч келасиз. Тракторлар, бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишга мўлжалланган устахона шифтида чакка ўтган жойлар кўриниб турибди. Колхознинг қурилиш инженери Анвар Тожиев бу бино томи жуда сифатсиз беркитилганлигини тушунтириб берди.

— Лекин бу ҳолва,— дейди у.— Мана бу ерда осма кран учун балка ўрнатилиши керак эди. Бироқ, қурувчилар буни «ёдларидан» чиқариб қўйишибди. Устахонага ёритгич асбоблари ўрнатиш ҳам чала қолган. Энг қизиғи, бу дарвозаларга қаранг-а!

Анвар Тожиев бизга «дарвоза» деб кўрсатгани тўртта темир пайвандлаб қўйилган тўртбурчак ромдан бошқа нарса эмас экан. Устахонага кираверишда ва ундан чиқаверишда шундай «дарвоза»лар ўрнатилганлиги учун ҳозирги куз кунларидаёқ елвизак киши баданини тешиб юборай дейди. Қиш пайтида устахонада тракторни ремонт қилмоқчи бўлган механизаторлар қандай аҳволда қолишини тасаввур этиш қийинмас.

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ**

Ремонт-механика устахонасида юк машиналари учун бир неча бокслар қурилган. Лекин уларнинг эшиклари очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Устахонага кираверишдаги катта дарвоза ҳам ишламайди. Механизаторлар уни беркитишмоқчи ёки очишмоқчи бўлса «ҳашар»га яқин атрофдаги бақувватроқ кишиларни чақиришга мажбурлар. Ахир электр двигатель билан ҳаракатга келтиришга мўлжалланган дарвозани қўлда очиб-бекитиб бўладими?

Бу ерда ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар жуда кўп. Буғхонанинг деворлари энди кўтарилиб, усти беркитилган. Бу ерда ҳали зарур жиҳозлар ўрнатилиши лозим. Лойиҳада кўрсатилган техникани ювадиган жой қурилишига эса қўл ҳам урилмапти. Техника сақланадиган бостирмаларнинг усти енгил-елпи ёпилганлиги сабабли ҳозирнинг ўзида шиферларнинг бир қисми шамолда синиб ва учиб кетган. Шу вақтгача устахонага водопровод олиб кирилмаган. Шу сабабли бу ерга сувни бошқа жойлардан ташиб келишга мажбур бўлинмоқда.

Иссиқлик трассаси ўтказиш ҳамда бу ерда чала қолган бошқа ишларни бажариш юзасидан белгиланган графикка кўра ремонт-механика устахонаси қурилишига етарли ишчи кучи ажратиб берилиши керак эди.

— График тузилдию қурувчилар қораларини кўрсатмай кетдилар,— дейди колхознинг қурилиш инженери. — Умуман биз уларга нима керак бўлса муҳайё қилишга интилаяпмиз. Масалан, иссиқлик трассаси учун пишиқ ғишт керак бўлганда уни етказиб бердик. Трассага қувурлар ҳам келтириб қўйилган.

Колонна раҳбарларига устахона қурилишини тезроқ тугаллашни ҳар гал илтимос қилганимизда улар турли сабабларни рўкач қилишади. Масалан, ҳозир колоннадаги асосий ишчи кучи Янгийўл пойабзал фабрикаси учун янги қувватлар қуришга ташланган эмиш. Бу қурилишнинг муҳимлигини тушунамиз. Лекин битта устахона қурилишини 8 йилдан бери чўзиб келиш инсофданми? Қолаверса, 74-МПМК ўз номи ва вазифасига кўра қурилишларни асосан колхозларда олиб бориши лозим.

Колхоз қурилиш инженерининг куйиниб гапиришида жон бор. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун жуда зарур бўлган ремонт-механика устахонаси қурилиши бундай пайсалга солинишининг сабаби нимада?

Биз колонна маъмурияти билан шу ҳақда суҳбатлашганимизда бирор тайинли жавоб ола олмадик. Қурувчилар раҳбарлари фақат ишчи кучи етишмаслигини, қурилаётган объектлар кўплигини баҳона қилишди.

Бу ўринда объектларнинг кўплиги тўғрисида эмас, балки чала қолган қурилиш ҳажми ортиб бораётганлиги ҳақида гапириш ўринлидир. Колонна бинокорлари мана ўн йилдан бери «Ленинизм» колхозида ошхона, маиший хизмат комбинати ва бошқа объектларнинг қурилишини туғаллай олмаяптилар. Умуман шу йил бошига келиб бундай объектлар сони 30 тадан ортиб кетган эди. Шу сабабли қурувчилар ҳозир қайси объектни қай вақт фойдаланишга топширишни аниқ тасаввур эта олмайдилар.

74-МПМК раҳбарлари ваъда қилган «сўнгги муҳлат»дан ҳам бир ярим ой вақт ўтиб кетди. Ремонт-механика устахонасидаги ишлар эса аввалгидек чала ётибди. Энди колонна раҳбарлари навбатдаги «сўнгги муҳлат»ни қачонга белгилар эканлар?

**Э. ЭРНАЗАРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

**ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА**

### КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

**◆ ЙИЛ БОШИДАН бери Юнусободда 5 та болалар боғчаси, битта мактаб ишга туширилди. Мактаб ислоҳотини амалга ошириш учун барча шароитлар муҳайё этилган бу илм масканларида эндиликда 10 мингдан зиёд ёшлар ленинча фан асосларини қунт билан эгалламоқдалар.**

**Яқинда массивда яна 2 та болалар гулшани фойдаланишга топширилади. Улар Юнусободнинг 17- ва 19-массивларида биринчи қурилиш трестининг 63-, 70-қурилиш бошқармалари қурувчилари томонидан барпо этилаётган янги болалар боғчаларидир.**

### СУРЪАТГА СУРЪАТ

**◆ ТИМИРЯЗЕВ ва Хуршид кўчаларининг кесишган жойида 2 та тўққиз қаватли бино қурилмоқда. 2-уйсозлик комбинатига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг Илья Ким, Геннадий Азеев, Василий Аксенов, Алексей Моисиадус етакчилигидаги меҳнат коллективлари бу объектларда жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Бинолар йил охиригача фойдаланувчиларга тақдим этилади. Ҳозир объектда пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Зарбдор вахтада туриб меҳнат қилаётган қурувчилар кунлик топшириқларини ошириб бажариб, иш суръатига суръат қўшишмоқда.**

**С. СУЛТОНОВ.**

### ОЙИГА 60 МИНГ СЎМЛИКДАН

**«ЭЛЕКТРОАППАРАТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёнгинасида янги микрорайон қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бу ерда кўп қаватли бинолардан ташқари 240 ўринли электроаппаратчилар ётоқхонаси ҳам бунёд этиляпти. Бино қурилишида монтаж ишларини «Главташкентстрой»нинг 159-трест 22-қурилиш бошқармасининг Курвели Заитов бошчилигидаги комплекс бригада бунёдкорлари олиб боришмоқда.**

**Коллектив кунлик топшириқларини 30—35 процентга ошириб бажаришга одатланиб қолган. Бу билан улар трестда энг юқори кўрсаткичга эришиб, ойига 60 минг сўмликдан зиёд маблағ ўзлаштирмоқдалар.**

**А. ҒУЛОМОВ.**

## БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ХАСКОВО ШАҲРИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНМОҚДА

ХАСКОВО

### ШАРАФЛИ БУЮРТМА

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари жаҳондаги кўпгина мамлакатларга жўнатилади. Машинасозларимиз, айниқса Болгария Халқ Республикасига, хусусан, Хасково округига юбориладиган машиналар юқори сифатли бўлишига катта эътибор берадилар. Улар қардошларимиз буюртмасини ўзлари учун шарафли деб ҳисоблайдилар.

Ҳар йили биз БХРга 40 та янги «зангори кема» жўнатамиз. Шундан 30 таси Хасково округи пахтакорларига мўлжаллангандир. Машинасозларимиз болгар дўстларимиздан ишлаб чиқарган пахта териш машиналари учун доим миннатдорчилик сўзларини эшитадилар.

Ўзбекистонда тайёрланган пахта териш машиналарининг Хасково пахтазорларида ишлаётганлиги, республикамизда БХР маҳсулотлари ҳам машҳур эканлиги социалистик интернационализмнинг амалдаги кўринишидир. Биз Хасководаги машинасоз ҳамкасбларимизни шаҳарнинг 1000 йиллик юбилейи билан қизғин қутлар эканмиз, дўстлик алоқаларимиз бундан буён янада чуқурлашиб ва кенгайиб боришига ишонч билдирамиз.

**М. ГВОЗДЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводининг цех бошлиғи.**

## ДЎСТЛИК ЁЗИШМАЛАРИ

Мактабимизнинг интернационал дўстлик клубида бўлсангиз, Болгариядан жўнатилган кўпдан-кўп китоблар, фотосуратлар, мактубларга кўзингиз тушади. Улардан фойдаланиб Хасково шаҳрининг 1000 йиллигига бағишлаб алоҳида стенд ташкил қилдик. Интернационал дўстлик клуби аъзоларининг навбатдаги йиғилиши ҳам Хасковонинг юбилейига бағишланди. Клуб аъзолари ўртасида ўтказилган викторинада ўқувчилар шаҳар тарихи, унинг бугунги кунига доир саволларга жавоб бердилар. Хуршид Воҳидов раҳбарлигидаги хор эса болгар тилида қўшиқлар ижро этди.

Мактабимиз болгар халқининг буюк фарзанди Г. Димитров номи билан аталиши, у қардош болгар қурувчилари томонидан бунёд этилганлиги кўпчиликка маълум. Ўқувчиларимиз БХРдаги тенгдошлари билан алоқаларини мустаҳкамлаб бораяптилар. Бундан икки йил муқаддам биз Хасковода бўлган эдик. Ўшанда Паисия номидаги мактаб ҳамда рус гимназияси ўқувчилари билан дўстлашиб қайтдик. Интернационал дўстлик клуби аъзолари Хасково шаҳрининг бу ўқув юртларидаги тенгдошлари билан дўстлик ёзишмаларини давом эттирмоқдалар. Улар педагог Н. Мамутова раҳбарлигида болгар дўстларига китоблар, откриткалар ҳам жўнатиб туришади.

**А. ТЎРАЕВА,**
**Тошкентдаги Г. Димитров номли 9-мактаб директори.**

## *Хасково номи берилди*

**Болгариядаги энг баланд тоғ чўққиси Мусала тоғидир. Унинг баландлиги 2925 метр. Лекин Хасково альпинистлари ўз шаҳарларининг 1000 йиллигига бағишлаб янада баландроқ чўққиларни забт этишга қарор қилдилар. Бундай чўққилар Тошкент область территориясида кўп эканлиги дўстларимизга маълум эди.**

**Хасководиклар Тошкентга келиб областимиз альпинистлари билан бўлган суҳбатдан сўнг, Майдонтол тоғининг чўққиларидан бири болгар спортчилари томонидан забт этилиши белгиланди.**

**Забт этилмаган янги чўққига ҳужум бошлашдан олдин Ғарбий Тянь-Шань музликларида болгар альпинистларининг чодири пайдо бўлди. Болгариялик Иван Ангов (группа раҳбари), Теменужка Михайлова, Добри Топалов, Запрян Таканов, Панайот Димитровлар эртасига уларнинг ёнгинасида яна бир чодир пайдо бўлганини кўриб севиниб кетдилар. Бу Анатолий Шанин (группа раҳбари), Борис Краков, Фуат Тухватулин, Сергей Ланиндан иборат совет альпинистларидан тузилган группа чодири эди. Шу тариқа болгар-совет группаси пайдо бўлди.**

**Шу куни икки қардош халқ вакиллари 4258 метр баландликдаги янги чўққини забт этдилар. Унга «Хасково» номи берилди. Чўққи энг баланд нуқтасига Хасковонинг қадимий герби бириктилган тахтача ўрнатилди. Альпинистларнинг қонунига кўра — бу чўққининг забт этилган вақти, унга чиқилган маршрут ва спортчиларнинг исм фамилиялари қайд этилган ёзув ҳам «Хасково»да қолдирилди.**

**Совет спортчилари дўстона шаҳар юбилейига ўз совғаларини ҳам ҳозирлашни кўнгилларига тугиб қўйган эдилар. Шу боисдан ҳам совет альпинистларидан иборат иккинчи группа «Хасково»нинг ёнгинасида тикка кўтарилган чўққини забт этишга киришди.**

**Ҳали ўрганилмаган, мураккаблик даражаси ҳам белгиланмаган иккинчи чўққи ҳам забт этилди. Унинг баландлиги 4253 метр эканлиги аниқланди ва у «Биродарлашган» номини олди.**



**Юбилей арафасида альпинистлар чўққи забт этилганлиги тўғрисида Болгарияга телеграмма йўлладилар.**

М. МИРАЛИМОВ.

